

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗИЕВ КАМОЛИДДИН ИНОБИДИНОВИЧ

**ҚУЙИ АМУДАРЁ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОФИЗИКАВИЙ
ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШНИНГ ИLMИЙ
АСОСЛАРИ (Хоразм воҳаси мисолида)**

06.01.03 – «Агротупроқшунослик ва агрофизика»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Файзиев Камолиддин Инобидинович

Қуйи Амударё тупроқларининг агрофизикавий ҳолати ва уларни
яхшилашнинг илмий асослари (Хоразм воҳаси мисолида).....3

Файзиев Камолиддин Инобидинович

Агрофизическое состояние почв низовьев Амударьи и научные основы их
улучшения (на примере Хорезмского оазиса)..... 21

Fayziev Kamoliddin Inobidinovich

Agrophysical state of soils of the lower Amu Darya and scientific bases of their
improvement (on the example of the Khorezm oasis).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ФАЙЗИЕВ КАМОЛИДДИН ИНОБИДИНОВИЧ

**ҚУЙИ АМУДАРЁ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОФИЗИКАВИЙ
ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШНИНГ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ (Хоразм воҳаси мисолида)**

06.01.03 – «Агротупроқшунослик ва агрофизика»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx131 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (<http://www.ziynet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурвантаев Раҳмонтой

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уразбаев Исматулло Уматович

биология фанлари доктори, доцент
Гулистон давлат университети

Мазинов Михаил Арнольдович

биология фанлари доктори, профессор
К.А.Тимирязев номидаги МҚХА–Россия
давлат аграр университети

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «11» 11 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (58 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+998) 71 246-15-38

Диссертацияси автореферати 2021 йил «25» 10 кун тарқатилди.
(2021 йил «25» 10 даги № 5 -рақамли реестр баённомаси)



Ш. М. Бобомуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М. Қўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, к.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий
ходим

Н.Ю. Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «дунёда эрозия, зичланиш ва шўрланиш, органик ва озиқа моддалар етишмовчилиги, тупроқларни ифлосланиши ва бошқа жараёнлар таъсирида 33% ер ресурслари деградацияга учраган. Аҳоли сонининг ортиб бориши тахминан сўнгги 35 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 60 фоизга оширишни талаб этган»¹. Шу сабабли Хоразм воҳаси суғориладиган тупроқларнинг агрофизикавий хоссаларини яхшилаш, зичланишни олдини олиш ва унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик ҳолатини мақбуллаштириш, ҳозирги шароитда ерларни сув-физикавий, технологик хоссаларини ва мелиоратив ҳолати бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган агротехник, агрофизикавий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини, тиклаш, сақлаш ва ошириш ҳамда фан ва амалиёт ютуқларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суғориладиган тупроқлардан оқилона ва самарали фойдаланишда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш орқали тупроқларнинг агрофизик хоссаларини мақбуллаштириш, унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ва илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларини жорий этиш»² муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда суғориладиган тупроқларнинг хоссаларини, шу жумладан агрофизикавий ҳолатини мақбуллаштириш, тупроқларнинг механик таркибини ифодаловчи хариталар тузиш ва шу асосида агротехник чора-тадбирларни табақалаштирилган ҳолда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

¹www.fao.org

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган стратегияси тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони

Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилларгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқларнинг морфогенетик тузилиши, географик жиҳатдан жойлашиши, агрофизикавий ҳолати ва уларни яхшилашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари бир қатор хорижлик олимлар А.Д.Воронин, Е.В.Шейин, М.А.Мазиров ҳамда республика олимлари Н.Б.Кимберг, И.Н.Фелициант, М.У.Умаров, Л.Т.Турсунов, И.Туропов, Л.А.Ғафурова, Р.Кўзиев, М.М.Ташкўзиев, Р.Курвантаев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Ибрагимов, А.У.Ахмедов, М.И.Рўзметов, Б.С.Комилов, Б.Файзуллаев, О.Ж.Эгамбердиев ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг ҳозирги давр агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-006-2015 «Амударё қуйи оқими суғориладиган тупроқларини комплекс ўрганиш, унумдорлигини баҳолаш, деградацияга учраган ерларни аниқлаш, уларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини тиклашга оид тавсиялар ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2015–2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳаси турли ҳудудларида тарқалган гидроморф тупроқларнинг ҳозирги даврдаги сув-физикавий, физик-механик хоссаларини аниқлаш орқали тупроқларни агрофизикавий ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳудуд суғориладиган гидроморф тупроқларининг шўрланиши ва механик таркибини сув-физикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

суғориладиган гидроморф тупроқларнинг механик таркиби ва сув сиғимлари асосида гидромодул гуруҳларга ажратиш;

суғориладиган гидроморф тупроқларни технологик хоссаларини унинг механик таркиби ва сув-физик хоссалари билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

тупроқ қатламларида намлик тартиботини, сув ўтказувчанлигини ва мелиоратив ҳолатини суғориш таъсирида ўзгаришини аниқлаш;

ҳозирги давр агрофизикавий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда тупроқ унумдорлигини оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Хоразм воҳасида кенг тарқалган суғориладиган гидроморф тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган гидроморф тупроқларнинг морфологияси, кимёвий, механик ва микроагрегат таркиби, сув-физик, физик-механик хоссалари, структура ҳолати, шўрланганлик даражаси, тупроқ механик таркиб хариталари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тупроқларнинг дала ва лаборатория шароитларидаги таҳлиллар ТАИТИ ва ПСУЕАИТИ олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома», «Теории и методы физики почв», «Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» номли услубий қўлланмалар асосида амалга оширилган. Олинган натижаларни математик-статик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси ва Microsoft Excel дастурида дисперсион услубда ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гидроморф тупроқларнинг суғориш таъсирида сув сиғимлари, зичлиги ва қаттиқлик даражаси, илашимлик чегаралари ошганлиги, сувга чидамли агрегатлар ва озиқ моддаларни камайганлиги аниқланган;

суғориладиган гидроморф тупроқларнинг механик таркиби, сув сиғимлари асосида гидромодул гуруҳларга ажратилган;

суғориладиган гидроморф тупроқларга ишлов бериш сифати физик етилганлик даражасига, механик таркиби эса суғориш даврийлигига боғлиқлиги аниқланган;

суғориладиган гидроморф тупроқларининг мелиоратив ҳолати, сув-физик, технологик хоссаларини тавсифлаш орқали суғориш тартиботи ва меъёрлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Боғолон», Шовот туманидаги «Хоразм», Хонқа туманидаги «Ғалаба» ва Боғот туманидаги «Тошкент» таянч массивларининг суғориладиган тупроқлари учун ГАТ технологияси асосида 1:10000 масштабда тупроқ механик таркиб хариталари тузилган;

тупроқларнинг сув тартиботи, сув-физик ва физик-механик хоссалари асосида «Хоразм вилояти суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар» ишлаб чиқилган;

суғориладиган гидроморф тупроқлардаги антропоген омиллар таъсирида содир бўлаётган салбий жараёнлар—шўрланиш, тупроқ зичлиги ва қаттиқлигини ортиб бориши, структура ҳолатини бузилиши, нам етишмовчилиги бўйича кам ишлов бериш, чуқур юмшатиш, таклиф қилинган гидромодул районлаштириш асосида суғориш ва агротехник тадбирларни табақалаштириб ўтказиш чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала, лаборатория ва камерал усулларида фойдаланилган ҳолда тупроқшуносликда қабул қилинган услублар, назарий ва амалий натижалар бир-бирига мослиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинганлиги, хулосалар илмий асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ишончлилигини ифодалайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гидроморф тупроқларининг суғориш таъсирида сув сиғимлари, зичлиги ва каттиклик даражаси, илашимлик чегаралари ошганлиги, сувга чидамли агрегатлар ва озик моддаларни камайганлиги, суғориладиган гидроморф тупроқларнинг механик таркиби, сув сиғимлари асосида гидромодул гуруҳларга ажратилганлиги, суғориладиган гидроморф тупроқларга ишлов бериш сифати физик этилганлик даражасига, механик таркиби эса суғориш даврийлигига боғлиқлиги ҳамда суғориладиган гидроморф тупроқларининг мелиоратив ҳолати, сув-физик, технологик хоссаларини тавсифлаш орқали суғориш тартиботи, меъёрлари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Хоразм вилояти тупроқлари унумдорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ҳамда Янгибозор туманидаги «Боғолон», Шовот туманидаги «Хоразм», Хонқа туманидаги «Ғалаба» ва Боғот туманидаги «Тошкент» массивларида тарқалган суғориладиган тупроқларнинг 1:10 000 масштабдаги тупроқ механик таркиб хариталари суғориш тартиботини белгилаш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, агрофизикавий хоссаларини, мелиоратив ҳолатини ҳамда тупроқ унумдорлигини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг агрофизикавий ҳолати ва уларни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Хоразм вилояти тупроқлари унумдорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар» фермер хўжаликларида амалиётга жорий этиш учун вилоят ва туман қишлоқ хўжалиги бошқармаларига топширилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 03-05-7725-сон маълумотномаси). Натижада, Хоразм вилояти турли тупроқ-иклим шароитларида тупроқ унумдорлигига кўра, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва уларни парваришлаш учун ўтказиладиган агротехник тадбирларни ишлаб чиқишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Боғолон», Шовот туманидаги «Хоразм», Хонқа туманидаги «Ғалаба» ва Боғот туманидаги «Тошкент» массивлари суғориладиган гидроморф тупроқларининг 1:10000 масштабдаги

механик таркиб хариталари жами 7728,5 га ер майдонида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 03-05-7725-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу картографик материаллар ер майдонларини табақалаштириб суғориш, шўр ювиш ва тупроққа тўғри ишлов бериш имконини берган;

суғориладиган гидроморф тупроқларни механик таркиби бўйича олинган маълумотлар асосида гидромодул гуруҳларга ажратилиб, суғориш меъёрлари ишлаб чиқилган ва Янгибозор туманидаги «Боғолон», Шовот туманидаги «Хоразм», Хонқа туманидаги «Ғалаба» ва Боғот туманидаги «Тошкент» массивларида тарқалган тупроқларининг 7728,5 га ер майдонида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 03-05-7725-сон маълумотномаси). Натижада, ортикча сув сарфини олди олинган, тупроқнинг структураси, агрофизик хоссаларини яхшилашга эришилган.

суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида табақалаштириб ишлов бериш, яъни техникалар билан тупроққа ишлов бериш, уларнинг механик таркибига ва этилганлик ҳолатига қараб ерга киришни ва зичлигини камайтириш тизими такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 03-05-7725-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятнинг Янгибозор, Шовот, Хонқа ва Боғот туманлари суғориладиган гидроморф тупроқларининг агрофизикавий, агрохимёвий ва мелиоратив ҳолатлари яхшиланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 11 та, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хоразм воҳаси тупроқларининг ўрганилганлик даражаси (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «*Хоразм воҳаси тупроқларининг ўрганилиши тарихи*» деб номланган, унда мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларида кечаётган жараёнларни ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар шарҳи баён қилинган.

Иккинчи қисмида «*Тупроқлар хосса-хусусиятларини ўрганганлиги ва уларни яхшилаш усуллари*» деб номланиб, унда тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш, сақлаш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, турли хил қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва улардан юқори ҳосил олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Хоразм воҳасида етиштирилаётган экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган, агрофизикавий хоссаларини яхшилаш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Хоразм воҳасининг географик ўрни ва табиий-иқлим шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик ўрни, геологик, литологик-геоморфологик тузилиши ва рельефи, гидрогеологик, иқлим шароитлари, ўсимликлар қоплами, изланиш объекти, дала ва лаборатория тадқиқотларнинг услубиётлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган. Хоразм вилояти ҳудуди Турон паст текислигининг шимолий қисмида бўлиб, қадимги Амударё ёйилма (дельта)си чап қирғоғини бир қисми ва ўнг қирғоғида Қизилқумнинг бир оз қисмини эгаллайди.

Хоразм вилояти ҳудудининг кўпроқ қисми Амударёнинг қадимги аллювиал ётқизикларида қисман, ҳозирги замон ётқизикларида ва Унгуз орти Қорақум, Қизилқум ва Тошсоқа платосининг учламчи давр емирилган жинсларида жойлашган. Эски дарёлар Дарёлик ва Даудан, Амударёнинг қадимги ёйилма қисмидан ташкил топган.

Тупроқ-иқлимий районлаштириш схемасига кўра Хоразм воҳаси Қуйи Амударё тупроқ-иқлимий округига киради. Хоразм воҳасида йил давомида қуёшли кунлар кўп бўлиб, қуёш нур сочиб турадиган давр 2900-2950-соатдан зиёд бўлиб, ёзда 80-90 фоизини ташкил қилади.


Дала тадқиқот ишлари 1:10000 масштабда хариталари асосида бажарилди. Тупроқ ва сув намуналарида сувда осон эрувчи тузлар микдори, механик ва микроагрегат, гумус, азот, фосфор, калий, карбонатлар, гипс, сувга ва механик чидамли агрегатлар, макроагрегатлар таркиби, максимал гигроскоплиги, сўлиш ва табиий намлиги, дала, капилляр ва тўлиқ нам сифимлари, қуйи ва юқори илашимлилиги замонавий, яъни пентиометр, платномер, фенитрометр ва бундан ташқари Германиянинг STEP Systems

GmbH компанияси ишлаб чиқараётган LASA 100 AGRO Mobil лаборатория қурилмаларида аниқланди.

Диссертациянинг «Хоразм воҳаси тупроқларининг хоссалари» деб номланган учинчи бобида тупроқ қопламларининг морфогенетик тавсифи, шўрланганлик даражаси, кимёвий хоссалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Бобнинг «Хоразм воҳаси тупроқ қопламининг морфогенетик тавсифи» деб номланган қисмида Хоразм воҳасида тадқиқот изланишлари ўтказиш учун танланган тупроқ гуруҳлари ичида энг кўп тарқалгани суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар эканлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тупроқларни кўп миқдорда намланиши сабабли ўсимликлар олами яхши ривожланган. Тупроқларни морфогенетик хусусиятлари, уларнинг структураси ва агрофизикавий хоссаларини турлича шаклланишига олиб келган.

Богот тумани «Тошкент» массивида суғориладиган ўтлоқи аллювиал, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар тарқалган. Хонқа тумани «Ғалаба» массивида эса асосан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар тарқалган. Улар суғориш даврийлигига кўра, эскидан ва янгидан суғориладиган ҳамда янги ўзлаштирилган тупроқ типларига киради. Янгибозор тумани «Боголон» массивида асосан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Улар суғориш даврийлигига кўра, эскидан ва янгидан суғориладиган ҳамда янги ўзлаштирилган тупроқ типларига бўлинади. Шовот тумани «Хоразм» массивида суғориладиган ўтлоқи ва ўтлоқи аллювиал тупроқлар, кўл ётқизиклари геоморфологик районидаги эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар тарқалган.




1-расм. Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг тузли кесими ва гранулометриқ таркиби

Бобнинг «Суғориладиган гидроморф тупроқларининг шўрланганлик даражаси» деб номланган қисмида ўрганилган ҳудуднинг турли даврда суғорилган оғир ва ўрта кумоқли ўтлоқи тупроқларининг сувда осон эрувчи тузлар миқдори бўйича шўрланмаган ва айрим жойларда кам шўрланган эканлиги кузатилди (1-расм). Суғориладиган ўтлоқи аллювиал ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлари асосан кучсиз шўрланган, устки ҳайдов қатламдаги

тузларнинг куруқ қолдиқ бўйича миқдорлари Боғот туманида тарқалган суғориладиган тупроқларда 0,410–0,630 %, Ҳонқа туманида 0,520–0,710 %, Янгибозор туманида 0,305–0,660 % ва Шовот туманида 0,175–0,850 % оралиғида тебраниши аниқланди.

Бобнинг «Суғориладиган гидроморф тупроқларининг кимёвий хоссалари» деб номланган қисмида ўрганилган таянч хўжаликлари тупроқларининг асосий гуруҳлари ва уларнинг кимёвий хосса-хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда гумус ўртача 0,55–1,17 фоизни ташкил этишига қарамасдан, тупроқ кесмасида гумусли қатламларни баъзан қуйи қатламларигача (70–85 сантиметргача) тушиб боради. Бунинг сабаби, ҳар йили тупроқни юза қатламлари бир жойдан иккинчи жойга техникалар ёрдамида текисланиши сабабли ва тупроқларининг механик таркибини қумоқли, қумлоқли ва қумли бўлганлигидан, шўр ювишлар даврида ҳам маълум миқдорда гумусни ювилиб туриш жараёни юз беради (2-расм).



2-расм. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда гумус миқдори, % ҳисобида

Ялпи азот миқдори 0,095–0,140 %, умумий фосфор 0,31 % ва ялпи калий 2,066 фоизни ташкил этади. Тупроқларда гумус ва озика моддаларининг кам бўлишининг сабаби, олинган маълумотлар асосида шуни айтиш мумкин, иккиламчи қишлоқ хўжалиги экинларини муттасил экилиши ва тупроқдаги озика моддаларни олиб чиқиб кетилиши ҳамда улар ўрнини доимий равишда тўлдирилиб бормаслиги натижасида, шундай деградация ҳолати келиб чиққан.

Тупроқларни сингдириш сифими ва сингдирилган асослар таркибида тупроқ кесмасини қуйи 80–157 сантиметрда магнийни улуши (48,16 %) кальцийга нисбатан (46,03 %) ортганлиги аниқланди. Тупроқлардан олинган сизот сувлари таркибида магний катионлари 12 мг/эквга етганлиги ва кальцийнинг миқдори 7,50 мг/экв. ташкил этиб, натрийнинг улуши (5,85 %) калийга (1,15 %) нисбатан кўплиги аниқланди.

Диссертациянинг «Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг физикавий хоссалари» деб номланган тўртинчи бобининг «Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг механик ва микроагрегат таркиби» қисмида, тупроқларнинг механик таркиби ва қатламининг тузилишига қараб 6 та асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1) кумли; 2) кумлоқли; 3) енгил кумоқли; 4) ўрта кумоқли; 5) оғир кумоқли; 6) лойли (3-расм).



3 – расм. Янгибозор тумани «Боғолон» массиви суғориладигн тупроқларининг механик таркиби харитаси

Шовот тумани Амударё ва Даудан аллювиал дарёлари ўзанлараро, Даудан ва Дарёлиқ ўзан бўйи ва ўзан оралиғи (кўллар) ётқизикларида пайдо бўлган тупроқларни ўз ичига олади. Бу тупроқлар механик таркиби бўйича кумли, кумлоқли, енгил, ўрта, оғир кумоқли ва лойли тупроқлардан иборатдир. Янгибозор туманида Даудан ўзан бўйи, Дарёлиқ ўзани, ўзан бўйи ва ўзан оралиғи (кўл) ва Амударёнинг ҳозирги давр ётқизикларида шакилланган бўлиб, механик таркиби кумлоқли, енгил, ўрта ва оғир кумоқли механик таркибдан иборат. Вилоятнинг умумий майдонига нисбатан олганда Янгибозор 52 %, Шовот 42 %, Хонқа туманида 41 фоизни ўрта кумоқли тупроқлар ташкил қилади. Тупроқларни механик таркибини асосан қуйидаги заррачалар ташкил этади: йирик кум (1–0,25 мм) 0,4–17,6 фоизгача, ўрта кум (0,25–0,1 мм) 0,1–3,6 фоизгача, майда кум (0,1–0,05 мм) 1–47,2 фоизгача.

Богот тумани «Тошкент» массиви эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларни механик таркиби кумоқли, кумлоқли ва кумли. Бу тупроқларнинг механик таркибида кум заррачалари ҳайдов қатламида 30,1 фоизни ташкил этса, бу кўрсаткич кесмани қуйи (107–150 см) қатламларида 13,4 фоизни ташкил этади.

Хонқа тумани «Ғалаба» массиви Даудан (қолдиқ) дарёсининг аллювиал ётқизиклари ва Амударёнинг замонавий ётқизикларидан ташкил топган геоморфологик районларида жойлашган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг механик таркиби ўрта ва енгил кумоқли бўлиб, ҳайдов ости ва бир метргача бўлган қатламларда оғир кумоқли, лойли ва баъзан кумли қатламлар учрайди. Механик таркибида кумлар миқдори ҳайдов қатламида 22,9 %, қуйи қатламларида 39,25 фоизни, чанг заррачалари эса 59,2–72,2 % оралиғида аниқланди.

Янгибозор тумани «Боғолон» массивида ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Даудан дарёсининг ўзан олди ётқизикларида эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар тарқалган бўлиб, механик таркибига кўра оғир, ўрта ва енгил кумоқли. Тупроқларни механик заррачаларини 56,9–58,3 % кум ва майда чанг заррачаларидан иборат, физик лой миқдори 41,7–43,1 фоизни ташкил этади.

Хоразм воҳаси суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг микроагрегат таркиби унинг унумдорлигини белгилашда муҳим ўрин тутади. Ўтлоқи аллювиал тупроқларининг микроагрегат таркиб бўйича энг кўп миқдори 0,05–0,01 мм катталиқдаги заррачалар, ундан кейинги ўринда 0,1–0,05 ва 0,01–0,001 мм катталиқдаги заррачалардан иборат бўлиб, яъни микроструктуралидир.

Бобнинг «Тупроқларнинг умумий физикавий хоссалари» қисмида суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг ҳамма геоморфологик районлар бўйича солиштирма массаси (СМ) 2,48 дан 2,67 г/см³ гача ўзгариб туради (1-жадвал). Энг кам солиштирма масса (2,42–2,57г/см³) Хонқа туманининг «Ғалаба» массивида, энг юқори кўрсаткич қолган учта туманда 2,59–2,67 г/см³ ни ташкил этади.

Тупроқларни ҳажм оғирлиги (ҲО) бўйича туманлар ўртасида кескин фарқ сезилмайди. Мақбул кўрсаткичга яқин ҳажм массаси суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламида 1,20–1,39 г/см³ ни ташкил қилади. Кўпгина ҳолатларда суғориладиган тупроқларни бутун кесма бўйича зичлашганлиги кузатилади. Бунинг асосий сабаби майда қум заррачаларининг миқдори кўп бўлиши ва яхши жойланиши ҳисобланади. Эскидан суғориладиган қумлоқли ва енгил қумоқли тупроқларнинг ҳайдов ости қатлами 1,44 дан 1,62 г/см³ гача, айниқса оғир механик таркибли тупроқларда зичланиш кучли бўлиши аниқланди.

1-жадвал

Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг умумий физикавий хоссалари

Кесма №	Чуқурлиги, см	СО, г/см ³	ҲО, г/см ³	УФ, %	Кесма №	Чуқурлиги, см	СО, г/см ³	ҲО, г/см ³	УФ, %
Боғот тумани «Тошкент» массиви					Янгибозор тумани «Боғолон» массиви				
1	0-33	2,61	1,39	47	24	0-30	2,56	1,20	54
	33-52	2,60	1,63	38		30-48	2,57	1,59	39
	52-79	2,59	1,56	40		48-70	2,59	1,53	41
	79-107	2,66	1,54	43		70-102	2,64	1,59	40
	107-150	2,67	1,48	45		102-147	2,62	1,62	39
Хонқа тумани «Ғалаба» массиви					Шовот тумани «Хоразм» массиви				
12	0-40	2,53	1,33	48	50	0-32	2,60	1,24	53
	40-60	2,57	1,39	46		32-60	2,59	1,52	38
	60-90	2,52	1,53	40		60-100	2,62	1,56	41
	90-110	2,48	1,42	43		100-140	2,60	1,42	46
	110-150	2,50	1,35	46		140-170	2,61	1,50	43

Тупроқларнинг умумий ғоваклиги (УФ), туманлар геоморфологик районлар тупроқ турлари ва генетик қатламлар бўйича кенг чегарада (38–54 %) ўзгаради. Бу ўзгариш кесма бўйича ҳам кузатилади. Умумий ғоваклик тупроқ механик таркибига боғлиқ бўлиб, қумли, қумлоқли ва енгил қумоқли тупроқларда ва шундай қатламларда юқори (50–54 %) миқдорни ташкил қилиб, баҳолаш даражаси бўйича юқори ва яхши, зичлиги

1,5–1,6 г/см³ бўлган тупроқларда УҒ 38–40 фоизни ташкил қилиб, қоникарсиз тоифа тупроқлари ҳисобланади.

Диссертациянинг «Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг сув хоссалари» деб номланган бешинчи бобида тупроқларнинг сув сиғимлари (ДНС, КНС, ТНС), максимал гигроскопик (МГ), сўлиш (СН) намлиги, сув ўтказувчанлик ва суғориш тартиботи тўғрисидаги маълумотлари келтирилган

2-жадвал

Хоразм воҳаси гидроморф тупроқларнинг дала (ДНС), капилляр (КНС), тўлиқ (ТНС) нам сиғимлари, % ҳисобида

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	ДНС	КНС	ТНС	Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	ДНС	КНС	ТНС	Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	ДНС	КНС	ТНС
Янгибозор тумани «Боғолон» массиви					Хонқа тумани «Ғалаба» массиви					Шовот тумани «Хоразм» массиви				
88	0-35	22,2	30,6	35,4	396	0-32	22,5	31,2	36,3	265	0-32	22,6	30,8	36,3
	35-55	22,3	31,2	36,4		32-50	22,2	30,8	36,4		32-48	21,1	31,7	36,6
	55-100	21,5	31,2	36,9		50-90	22,8	31,3	36,6		48-75	21,2	31,4	36,5
	100-150	21,8	31,9	36,1		90-140	22,4	30,8	35,4		75-105	21,5	31,4	36,6

Хоразм воҳасининг кам шўрланган енгил ва ўрта қумоқли тупроқларининг ҳайдов қатламларида дала нам сиғими (ДНС) кўрсаткичи ўртача 23–27 фоизни ташкил қилса, оғир қумоқли шўрланмаган тупроқлар учун мос равишда 27–28 фоизга тенг. Янгибозор тумани «Боғолон» массиви (88-кесма) кучсиз шўрланган қумлоқли, енгил қумоқли тупроқларнинг ҳайдов қатламларида ўртача 21 фоизни, ўртача шўрланган, енгил ва ўрта қумоқли тупроқларда 22–23 фоизни ташкил қилади. Тўлиқ (ТНС) ва капилляр (КНС) нам сиғими ўтлоқи тупроқларда бирмунча юқори (2-жадвал).

Максимал гигроскопик намлик тупроқ ва кесма чуқурликлари бўйича кенг миқёсда ўзгаради (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг максимал гигроскопик (МГ) ва сўлиш намлиги (СН), % ҳисобида

Кесма №	Кесма чуқурлиги, см	МГ	СН	Кесма №	Кесма чуқурлиги, см	МГ	СН
Боғот тумани «Тошкент» массиви				Янгибозор тумани «Боғолон» массиви			
1	0-33	4,85	7,27	24	0-30	2,70	4,05
	33-52	3,58	5,37		30-48	2,17	3,25
	52-79	3,32	4,98		48-70	2,29	3,43
	79-107	3,94	5,91		70-102	1,20	1,80
	107-150	2,45	3,67		102-147	3,36	5,04
Хонқа тумани «Ғалаба» массиви				Шовот тумани «Хоразм» массиви			
11	0-32	2,65	3,97	39	0-30	3,74	5,61
	32-53	3,32	4,98		30-53	3,48	5,22
	53-80	3,38	5,07		53-82	3,20	4,80
	80-103	4,05	6,04		82-110	4,89	7,33
	103-145	1,56	2,34		110-140	4,02	6,03

Бунинг асосий сабаби уларнинг механик таркиби ва кимёвий хоссалари бўлса, бу ерда энг муҳими ил ва туз миқдоридир. Қумли қатламларда МГ намлик энг кам кўрсаткичлари Янгибозор туманининг «Боғолон» массивида 1,20 дан 3,62 фоизгача, кесма бўйлаб юқори миқдори Шовот туманининг «Хоразм» массивида 3,20–4,89 фоизни ташкил қилади. Боғот туманининг «Тошкент» массивида МГ бирмунча кенг ораликда 2,45–4,85 фоизни ташкил қилса, унинг энг кам миқдори Хонқа туманининг «Ғалаба» массивида 0,35–3,38 фоизга тенг.

Ўсимликларнинг сўлиш намлиги (СН), Янгибозор туманининг «Боғолон» массивида кесма бўйлаб 1,8–5,3 %, юқори миқдори Шовот туманининг «Хоразм» массивида 4,8–7,3 %, Боғот туманининг «Тошкент» массивида эса СН кенг ораликда яъни 3,7–7,3 фоизни ташкил қилса, унинг энг кам миқдори Хонқа туманининг «Ғалаба» массивида 0,5–4,5 фоизга тенг.

Бобнинг «Тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги» ва «Тупроқларни сугориш тартиботи» бўлимида ўтлоқи тупроқларда юқори сув ўтказувчанлик кумлоқли ва қумли тупроқ бўлиб (24-кесма) шимилиш тезлиги 0,036 мм/суткани ташкил қилади. Енгил қумоқли (11-кесма) тупроқларда 0,020 мм/сутка, ўрта қумоқлиларда (39-кесма) 0,013 мм/сутка, оғир қумоқлиларда 0,0095 мм/сутка сув шимилишининг агрономик ва мелиоратив ҳолати ёритилган (4-жадвал).

4-жадвал

Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги

Кесма №	Вақт оралиғи								Шимилиш коэф.	
	10мин	30мин	60 мин	2 соат	3 соат	4 соат	5 соат	6 соат	мм/сутка	м ³ /га
Боғот тумани «Тошкент» массиви										
7	5,49	0,084	0,031	0,026	0,088	0,0066	0,0053	0,0035	0,0095	3,96
Хонқа тумани «Ғалаба» массиви										
11	4,63	0,073	0,042	0,078	0,044	0,014	0,012	0,0079	0,020	8,4
Янгибозор тумани «Боғолон» массиви										
24	11,16	0,084	0,090	0,087	0,086	0,025	0,019	0,015	0,036	15
Шовот тумани «Хоразм» массиви										
39	9,46	0,13	0,055	0,051	0,014	0,0092	0,0063	0,0053	0,013	5,42

Вилоят умумий майдонининг 142868 гектари жуда юқори ва юқори сув ўтказувчанлик гуруҳларини ташкил қилиб, уларнинг тақсимланиши бир хил эмас. Алоҳида туманларда уларнинг майдони фоиз ҳисобида қуйидагича: Боғот–56 %; Янгибозор–21 %; Хонқа–13 % ва Шовотда 10 фоиз.

Ўтлоқи аллювиал тупроқларни сув ўтказувчанлиги бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилди (шимилган сув мм ҳисобида, 10 соат давомида):
 1. Жуда юқори 400 мм.дан кўп, бу гуруҳга қумли ва қумлоқ устида ҳосил бўлган қум, қумлоқли, зичлиги 1,1–1,3 г/см³ бўлган тупроқлар киради.
 2. Юқори сув ўтказувчанлик 300–400 мм. Бу гуруҳга енгил қумоқли, қумлоқи, зичлиги 1,2–1,4 г/см³ бўлган тупроқлар киради. Вилоят бўйича майдони 81 332 гектар, яъни умумий майдонни 18,7 фоизни ташкил қилади.
 3. Яхши сув ўтказувчанлик 200–300 мм. Бу гуруҳга енгил қумоқ, қумлоқи ва қум устида ҳосил бўлган енгил, ўрта қумоқ механик таркибли зичлиги 1,3–1,4 г/см³ бўлган тупроқлар киради. Вилоят бўйича бу тупроқларнинг

майдони 69 520 гектарни ташкил қилиб, умумий майдонга нисбатан 17,6 фоизни ташкил қилади. 4. Қониқарли сув ўтказувчанлик 100–200 мм. Бу гуруҳга енгил қумоқ, қумлоқ ва қумлар устида ҳосил бўлган ўрта ва оғир қумоқ механик таркибли, зичлиги 1,4–1,5 г/см³ бўлган тупроқлар киради. Уларнинг майдони 87 664 гектарни ёки умумий майдоннинг 21,8 фоизни ташкил қилади. 5. Қонқарсиз сув ўтказувчанлик 50–100 мм. Бу гуруҳга турли қаватли ўрта ва оғир қумоқ ва лой ётқизикларида ҳосил бўлган, кўзга яққол ташланадиган қаттиқ зичлашган (1,50–1,60 г/см³) қатламли ўрта ва оғир механик таркибли тупроқлар киради. Вилоят бўйича бу ерларнинг майдони 79240 га ёки умумий майдонга нисбатан 20,7 фоизни ташкил қилади. 6. Ўта қониқарсиз сув ўтказувчанлик 50 мм.дан кам. Бунга ҳаддан ташқари зичлашган (зичлиги 1,6г/см³ ва ундан юқори) кучли шўрланган, шўртоблашган оғир қумоқли ва лойли механик таркибли тупроқлар киради. Буларнинг майдони вилоят бўйича 1 783 гектарни ёки умумий майдонни 6,3 фоизни ташкил қилади.

Суғориш сувларидан унумли фойдаланиш ва тежаш мақсадида аллювиал ўтлоқ тупроқлар мисолида қуйидаги суғориш меъёрларини (ғўза учун) тавсия қилинади:

қум, қумлоқ, енгил қумоқ тупроқлар, қум ва енгил қумоқ қатламлардан иборат, суғориш меъёри 300–450 м³/га;

енгил қумоқли тагида қумлоқ, енгил, ўрта ва оғир қумоқли қатламлардан иборат ҳамда енгил, ўрта, оғир қумоқ ва қумлардан иборат қатламчали тупроқларда суғориш меъёри 500–900 м³/га, майдони 117117 гектар;

ўрта қумоқли тагида енгил, ўрта ва оғир қумоқли қатламлардан, енгил, ўрта, оғир қумоқли, лойли ва қум қатламчаларидан иборат тупроқлар учун суғориш меъёрлари 650–950 м³/га;

5-жадвал

Хоразм воҳаси гидроморф тупроқларининг механик таркиби ва сув ўтказувчанлик даражасини ифодаловчи ўртача статистик таҳлили

Кесма №	Механик таркиб					Сув ўтказувчанлик					Сув ўтка зувчанлик даражаси
	X	S	V	Sx	Snx	X	S	V	Sx	Snx	
Боғот тумани «Тошкент» массиви											
1-8	34,6	4,17	12,04	0,76	2,20	0,73	1,92	261,78	0,35	47,80	Қониқарли
Хонқа тумани «Ғалаба» массиви											
11-20	28,3	1,59	5,61	0,29	1,02	0,61	1,62	265,01	0,22	48,38	Қониқарли
Янгибозор тумани «Боғолон» массиви											
24-28	28,0	1,13	4,04	0,21	0,74	1,94	3,75	192,77	0,68	35,19	Яхши
Шовот тумани «Хоразм» массиви											
39-53	45,6	0,67	1,46	0,12	0,27	1,22	3,32	273,87	0,61	50,00	Яхши

Изоҳ: X-кўрсаткичларнинг ўртача қиймати; S-ўртача квадратик четлашмиш; V-вариация коэффициентини; Sx-ўртача хатолик; Snx-ўртача нисбий хатолик.

оғир қумоқли тагида қумлоқ ва қум, ўрта ва оғир қумоқлилардан иборат қум, енгил, ўрта ва оғир қумоқли қатламчалари бўлган тупроқларда суғориш меъёри 700–1000 м³/га;

оғир кумоқли ва лойлар тагида оғир кумоқлар ва лойлар бўлган оғир, ўрта ва енгил кумоқлар, кумлоқ ва лойли қатламчалардан иборат тупроқларда суғориш меъёри 800–1100 м³/га ни ташкил этади.

Тупроқларни сув ўтказувчанлик даражаси Б.А.Доспехов услубий қўлланмаси асосида, математик-статистик таҳлил қилинди ва қониқарли ва яхши сув ўтказувчан тупроқ гуруҳларига ажратилди (5-жадвал).

Диссертациянинг «**Хоразм воҳаси суғориладиган гидроморф тупроқларининг физик-механик хоссалари**» деб номланган олтинчи бобида тупроқларнинг илашимлиги, физик етилганлик чегаралари, макроагрегат таркиби, агрегатларнинг сувга ва механик чидамлилик маълумотлари келтирилган.

Дехқончиликда тупроққа ишлов бериш ва бошқа тадбирларни сифатли бажариш уларни қандай ва қайси даврларда амалга оширишга боғлиқ. Тупроқ илашимлиги механик таркибга боғлиқ бўлиб, унинг юқори (23,9–25,0 %) ва қуйи (16–17,5 %) ҳамда чегаралари сони 6,4–8,3 фоизгача бўлган тупроқлар энг кам сув билан суғориладиган енгил кумоқли (694,1 минг гектар) тупроқлар ҳисобланади. Бунга қуйи илашимлик чегараси ёки тупроқларнинг уваланиш чегараси дейилади. Тупроқлар бу чегарадан пастда яхши донатор бўлади, ишлов беришда қўшимча харажат ва куч талаб қилинмайди. Янгидан суғориладиган ўрта кумоқли ўтлоқи тупроқда илашимликни юқори чегараси 27 %, қуйиси эса 19 %, эскидан суғориладиган тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида илашимлик чегараси юқори 28 %, қуйи илашимлик чегараси эса 19 фоизни ташкил қилади (майдони 1418,4 гектар). Илашимлик чегараси тупроқларнинг физик етилганлик даражасини ифодалайди.

Тупроқларнинг ҳайдов қатламларида агрономик қимматли макроагрегатлар таркиби 51–57 фоизни ташкил қилса, Янгибозор тумани «Боғолон» массивида эскидан суғориладиган ўрта кумоқли ўтлоқи тупроқларда 67–74 фоизни, ҳайдов остки қатламларида уларнинг миқдори 47–56 фоизни. Шунга мос равишда Шовот туманининг «Хоразм» массивида 51–57 ва 45–50 фоизга тенг, Хонқа туманининг «Ғалаба» массивида 51–53 ва 40–49 фоизни, Боғот туманининг «Тошкент» массивида 57 ва 47 фоизни ташкил этади. Пастки қатламларда агрегатлар миқдорини камайиб бориши кузатилади.

Тупроқларнинг шўрланиш даражасини ошиши, механик таркибни енгиллашиб бориши билан механик чидамлилик даражаси ҳам кескин пасаяди, 3–2 мм каталикдаги агрегатларининг механик чидамлилик даражаси бир метрли қатламида 295 дан 503 г/см² оралиғида бўлиб, энг юқори чидамлилик ҳайдов қатламида бўлиши илмий асосланди. Янгибозор туманининг «Боғолон» массиви тупроқларининг технологик хоссаларини бошқа массивларга қараганда бирмунча яхши эканлиги кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Хоразм воҳаси суғориладиган тупроқларининг сув-физик хоссалари асосини тупроқларни ҳосил қилувчи она жинси ва механик таркибига боғлиқ эканлиги кузатилди. Бунда қум-қумлоқдан тортиб лойли механик таркибли тупроқларгача ажратилади ва уларда майда қум (1–47,2 %) заррачалари доминантлик қилади.

2. Ҳажм ва солиштирма оғирлик тупроқнинг типларига боғлиқ бўлмаган ҳолда $1,17\text{--}1,64\text{ г/см}^3$ ва $2,53\text{--}2,67\text{ г/см}^3$ ни ташкил қилади, умумий ғоваклик эса тупроқларнинг ҳайдов қатламларида юқори ва қониқарли (48–54 %), қуйи қатламларда қониқарсиз (36–38 %) ҳолатда бўлади.

3. Тупроқларнинг максимал гигроскопиклик (МГ) ва сўлиш (СН) намлиги энг кам кўрсаткичлари Янгибозор туманининг «Боғолон» массивида (1,20–3,62 % ва 1,8–5,3 %), юқори миқдори Шовот туманининг «Хоразм» массивида (3,20–4,89 ва 4,8–7,3 %) кузатилган. Боғот туманининг «Тошкент» массивида бирмунча кенг ораликда (2,45–4,85 ва 3,7–7,3 %), унинг энг кам миқдори Хонқа туманининг «Ғалаба» массивида (0,35–3,38 ва 0,5–4,5 %) аниқланган.

4. Турли қатламлардан таркиб топган зичлашган ва оғир механик таркибли тупроқларда сув ўтказувчанлиги пастлиги билан тавсифланади ва гектарига $13,96\text{--}8,4\text{ м}^3$ сув шимилиши унинг тезлиги $0,020\text{--}0,0095\text{ м/суткани}$ ташкил этган. Сув ўтказувчанлик жуда юқори 400 миллиметрдан кўп (14,9 %), юқори 300–400 мм (18,7 %), яхши 200–300 мм (17,6 %), қониқарли 100–200 мм (21,8 %), қонқарсиз 50–100 мм (20,7 %), ўта қониқарсиз 50 миллиметрдан кам (6,3 %) бўлиш тоифа қонуниятлари кўрсатилган.

5. Суғориш сувларидан унумли фойдаланишни ва тежашни ҳамда тупроқда энг қулай физик, сув ва ҳаво шароитларини ҳосил қилиш учун қуйидаги суғориш меъёрлари илмий асосланган: қум, қумлоқ, энгил қумоқ, қатламлардан иборат тупроқлар учун $300\text{--}450\text{ м}^3/\text{га}$; энгил қумоқли тагида қумлоқ, энгил, ўрта ва оғир қумоқли қатламлардан иборат ҳамда энгил, ўрта, оғир қумоқ ва қумлардан иборат қатламчали тупроқлар учун $500\text{--}900\text{ м}^3/\text{га}$; ўрта қумоқли тагида энгил, ўрта ва оғир қумоқли қатламлардан, энгил, ўрта ва оғир қумоқли, лойли ва қум қатламчалар учун $650\text{--}950\text{ м}^3/\text{га}$; оғир қумоқли тагида қумлоқ ва қум, ўрта ва оғир қумоқлилардан иборат қум, энгил, ўрта ва оғир қумоқли қатламчалари бўлган тупроқлар учун $700\text{--}1000\text{ м}^3/\text{га}$; оғир қумоқли ва лойлилар тагида оғир қумоқлар ва лойлар бўлган оғир, ўрта ва энгил қумоқлар, қумлоқ ва лойли қатламчалардан иборат тупроқлар учун суғориш меъёри $800\text{--}1100\text{ м}^3/\text{га}$ белгиланган.

6. Янгидан суғориладиган ўрта қумоқли тупроқда илашимликни юқори чегараси 27 %, қуйиси эса 18 %, эскидан суғориладиган тупроқларда бирмунча юқори бўлиб, 28 ва 19 фоизни, оғир қумоқлиларда юқори илашимлик чегаралари 30–31 %, қуйиси эса 19–20 фоизни, илашимлик сони эса 11 фоизни, лойли тупроқларда бу кўрсаткичлар сезиларли ошади. Физик етилганлик намлиги энгил механик таркибли тупроқларда 13–16 фоизни, ўрта, оғир қумоқли ва лойли механик таркибли тупроқларда бу оралик

бирмунча кенгроқ бўлиб 15–17 ва 16–19 фоизга етади. Физик етилганлик намлиги ёки дала нам сиғимининг 60 дан 80 фоизгача бўлган оралиғида тупроққа ишлов берилганда у яхши уваланиб қимматли агрономик агрегатлар (0,25–10 мм) миқдори 60–70 фоизни ташкил қилиб, 10 миллиметрдан катта кесакчаларнинг миқдори (20–30 %) кескин камайган.

7. Тупроқларнинг ҳайдов остки қатламларида агрономик қимматли макроагрегатлар миқдори «Боғолон» массивида 67–74 ва 47–56 фоизни, «Хоразм»да 51–57 ва 45–50 фоизни, «Ғалаба»да 51–53 ва 40–49 фоизни «Тошкент»да 57 ва 47 фоизни ташкил этган. Сувга чидамли 3–2 ва 5–3 мм катталиқдаги агрегатларнинг миқдори ҳайдов қаламларида 3–5 ва 4–6 фоизни, енгил кумоқли ўтлоқи тупроқларда миқдори кескин камайиб 2–4 фоизни ташкил қилади. Тупроқларнинг 3–2 мм ли агрегатларининг механик чидамлилиқ даражаси 295 дан 503 г/см² оралиғида бўлиб, энг юқори чидамлилиқ ҳайдов қатламларда ҳосил бўлган.

8. Ерлардан самарали фойдаланиш учун тупроқларнинг агрофизикавий хоссаларини яхшиловчи қуйидаги агротехник тадбирларни қўллаш: а) ерларни суғориш, шўр ювиш, ўғитлаш тадбирларини амалга оширишда тупроқларнинг механик таркибини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб ўтказиш; б) суғориш ва шўр ювиш ишларини гидромодул районлаштириш асосида амалга ошириш; в) қишлоқ хўжалиқ экинларини тупроқ хосса-хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда навбатлаб экиш тизимини ва сидерат экинлар экишни кенг жорий қилиш; г) тупроққа физик етилган ҳолда ишлов бериш, шудгор чуқурлигини табақалаштириш ҳамда зичлашган ҳайдов остки қатламларини юмшатиш тавсия этилади.

9. Тупроқлар хоссалари бўйича илмий асосланган маълумотлардан тупроқшунос-агрохимёгар мутахассисларини тайёрлашда, шунингдек олий ўқув юртлари ўқув жараёнида тупроқшунослик, тупроқ физикаси, агрохимё, мелиоратив тупроқшунослик, тупроқ муҳофазаси каби ўқув курсларида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И
АГРОХИМИИ**

ФАЙЗИЕВ КАМОЛИДДИН ИНОБИДИНОВИЧ

**АГРОФИЗИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПОЧВ НИЗОВЬЕВ
АМУДАРЬИ И НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ИХ УЛУЧШЕНИЯ (на
примере Хорезмского оазиса)**

06.01.03 – «Агрочвоведение и агрофизика»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2.PhD/Qx 131.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Курвантаев Рахмонтой

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Уразбаев Исмагулло Уматович

доктор биологических наук, доцент

Гулистанский государственный университет

Мазиров Михаил Арнольдович

доктор биологических наук, профессор

Российский государственный аграрный

университет – МСХА имени К.А.Тимирязева

Ведущая организация:

Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится « 11 » 11 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за № 58). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Тел. (99871) 246-15-38.

Автореферат диссертации разослан « 25 » 10 2021 года.
(Лист протокола рассылки № 5 от 25 10 2021 г.)



Ш.М.Бобомуродов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

Ж.М.Кузиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.с.х.н.

(PhD), старший научный сотрудник

Н.Ю.Абдурахмонов

Председатель научного семинара по присуждению ученых степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире «около 33% земельных ресурсов подвержены деградации вследствие эрозии, уплотнения и засоления, недостатка органических и питательных веществ, загрязнения и других процессов. Рост численности населения в последующие 35 лет потребовало увеличения производства продуктов питания примерно на 60%»¹. Поэтому разработка научно обоснованных мероприятий по улучшению агрофизических свойств, предотвращению уплотнения и повышению плодородия орошаемых почв Хорезмского оазиса являются одной из актуальных задач.

В мире проводятся научные исследования, по ряду приоритетных направлений, таких как, дальнейшее развитие сельского хозяйства, сохранение, воспроизводство, повышение плодородия почв, эффективное использование земельных ресурсов, оптимизация экологического состояния, оценка водно-физических, технологических свойств и мелиоративного состояния почв. В этом плане уделяется особое внимание разработке агротехнических, агрофизических мероприятий с учетом почвенно-климатических условий, широкому использованию достижений науки и практики по восстановлению, сохранению и повышению почвенного плодородия.

В республике проводятся широкомасштабные мероприятия, а также научные исследования и получены определенные результаты по оптимизации агрофизических свойств почв путем внедрения ресурсосберегающих технологий при эффективном и рациональном использовании орошаемых почв, повышению их плодородия и урожайности сельскохозяйственных культур.

В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы «...дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий»² определено одним из важных стратегических задач. В связи с этим, для дальнейшего развития сельского хозяйства республики, улучшения свойств, в том числе агрофизического состояния орошаемых почв, составление карт, отражающих механический состав почв и на их основе осуществление дифференцированного применения агротехнических мероприятий приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года, за № УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-

¹www.fao.org

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

2030 годы», постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 октября 2018 года № 841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

